**“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2024 йилдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар**
**Д А С Т У Р И**

| № | Коррупциявий хавф-хатарни минимmаллаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/тартиб-таомиллар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлар | Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими) |
|---|---|---|---|---|
| **Жамиятнинг ҳуқуқий асослари ва умумий йўналишда** | | | | |
| **1.** | Жамиятнинг комплаенсга оид сиёсатларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бунда асосий эътиборни, ҳомийлик, хайрия ва совға бериш ва олиш, бизнес ҳамкорлар билан ишлашга оид ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ сиёсатларни такомиллаштиришга қаратиш. | Жамиятнинг комплаенсга оид сиёсатларини ижроси билан боғлиқ хужжатларни жамлаб, тахлил қилиш ҳамда амалиётда йўл қўйилатган муаммоларни аниқлаб, таклифлар ишлаб чиқиш | 2024 йил 3-чорак | Юридик бошқарма, Комплаенс хизмати, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси |
| **2.** | Касбий ва бошқарув ваколати оширишини тизимлаштириш. | - “Ўзавтосаноат” АЖ кадрлар захирасини шакллантириш;<br>- Ваколатли лавозимларга номзодларни тайинлашда фақат шу захирадаги номзодлар орқасидан тайинлаш амалиётини шакллантириш. | 2024 йил 2-чорак | Ходимлар билан ишлаш бошқармаси |
| **Ходимлар билан ишлаш йўналишида** | | | | |
| **3.** | Йўриқнома талабларини ижро этиш бўйича ходимларга ўқув тренингини ташкил этиш. | - Ходимлар бошқаруви ходимларини Йўриқнома талаблари ижроси бўйича ўқиш ташкил этиш ва Комплаенс хизмати ходимларини таклиф қилиш. | 2024 йил 4-чорак | Комплаенс хизмати, ходимлар билан ишлаш бошқармаси, Узавто Академия бошқармаси |
| **4.** | Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш. | - Ходимлар бўлими комплаенс хизмати билан келишилган ҳолда Жамият ходимларини ўқитиш режаларини тайёрлаб, ўқув материаллари яратиш. | 2024 йил 3-чорак | Барча бошқармалар |
| **5.** | Жамият ходимларини умумий коррупцияга | - Ишлаб чиқилган ўқув режа ва ўқув | 2024 йил | Комплаенс хизмати |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | қарши ўқитишни ташкил этиш. | материалларига асосан Йўриқномада келтирилган йўналишлар доирасида Ходимлар бўлими ва комплаенс хизмати ҳамкорликда барча таркибий тармоқлар кесимида ўқитиш жадвалини тузади, феврал ойигача Жамият раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этиш;<br>- Ўқитиш жадвалида ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатиш;<br>- Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ходимлар бошқаруви бўлимларининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қилиш. | 3-чорак | барча бошқармалар билан биргаликда |
| **6.** | Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботларнинг шакллантирилиши. | - Коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Комплаенс хизмати томонидан тузилади;<br>- Ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисобот Жамиятнинг Кузатув кенгашига тақдим этиб борилади;<br>- Ҳисобот ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади;<br>- Ҳисоботдаги умумий ахборот Жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. | Ҳар чоракда | Барча бошқармалар |
| **7.** | “Жамият “EDO” дастурида ходимлар билаш ишлаш бўйича маълумотларни акс эттириш. | - Ходимларга оид маълумотларни акс эттириш учун “EDO” тизимига ходимлар билан ишлаш бошқармаси маълумотларни бирлаштириш ва интеграция қилиш. | 2024 йил 3-чорак | Комплаенс хизмати, ходимлар билан ишлаш бошқармаси |
| | **Молия ва иқтисодий соҳалардаги хавфларни олдини олишда** | | | |
| **8.** | Жамиятда тўлов қобилиятини баҳолаб бориш, дебитор ва кредиторлик қарздорлик бўйича амалга оширилаётган ишлар, шартнома шартларини бажарилиши, мавжуд қарздорликларни сўндириш ҳолати, муддати | - Жамиятнинг “1С” дастуридан кўриш орқали дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини таҳлил қилиб бориш;<br>- Мазкур қарздорликларни ундириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни таҳлил | Ҳар чоракда | Комплаенс хизмати бухгалтерия бўлими билан бирга |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ўтган дебиторлик қарздорликни ундириш бўйича амалга оширилаётган ишларни онлайн режимида корхона стандартларига мувофиқлигини ўрганиш. | қилиш орқали уларнинг саарали ташкил этилганлигини ўрганиш;<br>- Самарасиз ташкил этилган тадбирларга мувофиқлаштири тўғрисида кўрсатмалар бериб бориш. | | |
| **9.** | Жамиятнинг меъёридан ортиқча хом ашё ва бутловчи қисмлар харид қилинишининг олдини олиш мақсадида, реал эҳтиёж билан омбордаги қолдиқлар ўртасидаги мутаносиблигни таҳлил қилиб бориш. | - Жамиятнинг Комплаенс хизмати ходимлари томонидан корхоналардаги ҳом ашё ва бутловчи қисмлар захираси тўғрисида маълумотларни тўғри юритилиши ҳолатини омборлардаги мавжуд қолдиқ махсулотлар билан ўзаро мослигини ўрганиб чиқиш. | 2024 йил ҳар чоракда | Комплаенс хизмати харид ва иқтисодий режалаштириш бошқармаси билан бирга |
| **10.** | Жамиятда товар ва моддий бойликларни сақланишини БҲСМ талабалари асосида инвентаризациядан ўтказиб бориш. | - Йил охирида корхонанинг барча бўлимлари, ишлаб чиқиш бинолари, омборлари, шу жумладан давал асосида хизмат кўрсатувчи корхоналардаги товар моддий бойликлари қолдиғини инвентаризациядан ўтказиш;<br>- Аниқланган тафовут ҳолатларини таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб чиқиш;<br>- Ортиқчалик ҳолатларини моддий жавобгар ходимлар зиммасига кирим қилдириш, камомадларни ундирилишини таъминлаш. | 2024 йил 4-чорак | Комплаенс хизмати бухгалтерия бўлими билан бирга |
| **Харидларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган хавфларларни олдини олишда** | | | | |
| **11.** | Харид жараёнларининг шаффофлиги ва қонун талабларига мувофиқлигини ўрганиш, турли хавфларни аниқлаб, унинг бартараф этилишини таъминлаш. | - Харид жараёнларини доимий мониторинг қилиб бориш ва аниқланган камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш бўйича билдирги бериб бориш;<br>- Мазкур йўналишда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни олдиндан баҳолаб, уларни олдини олишга ва бартараф қилиб бориш чораларини кўриш. | 2024 йил ҳар чоракда | Комплаенс хизмати, харид бошқармаси билан биргаликда |
| **12.** | Жамиятда товар-моддий бойликларини етказиб беришда логистика хизмати тўғри танланганлигини ўрганиш. | - Корхонадаги маҳаллий ва хорижий логистика хизматлари бўйича тузилган шартномаларни ўрганиб чиқиш;<br>- Мазкур харид билан боғлиқ жараёнларида | 2024 йил 4-чорак | Комплаенс хизмати, харид бошқармаси билан биргаликда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ва ички меёрий хужжатлар талабига риоя этилганлигини ўрганиш;<br>- Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича шартномани бекор қилиш ва корхона рахбарига маълумот бериш орқали муносабат билдириш. | | |
| **13.** | Корхонада товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш жараёнини очиқлик ва шаффофлик асосида ўтказилиши, асосли мақбул вариантдаги таклифларини кўриб чиқишда холис якуний қарор қабул қилишини таъминланишни ўрганиб бориш; | - Корхонада товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш жараёнларини ўрганиб, мазкур йўналишда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни олдиндан баҳолаб, уларни олдини олишга ва бартараф қилиб бориш чораларини кўриш. | 2024 йил 1-чорак | Комплаенс хизмати, харид бошқармаси билан биргаликда |
| **14.** | Жамиятда ишлаб чиқариш режаларига нисбатан (шу жумладан, ВОМ га амал қилган ҳолда) хом-ашё ва бутловчи қисмлар таъминоти тўғри йўлга қўйилганлигини ўрганиб бориш; | Жамиятнинг Комплаенс хизмати ходимлари томонидан корхоналардаги ҳом ашё ва бутловчи қисмлар захираси тўғрисида маълумотларни тўғри юритилиши ҳолатини омборлардаги мавжуд қолдиқ махсулотлар билан ўзаро мослигини ўрганиб бориш. | 2024 йил 4-чорак | Комплаенс хизмати, харид бошқармаси билан биргаликда |
| **Таъминот тизими (Supply chain)даги хавфларни олдини олишда** | | | | |
| **15.** | Жамиятда ишлаб чиқариш режаларига нисбатан хом-ашё ва бутловчи қисмлар таъминоти тўғри йўлга қўйилганлигини ўрганиб бориш; | - Жамиятнинг Комплаенс хизмати ходимлари томонидан корхоналардаги ҳом ашё ва бутловчи қисмлар захираси тўғрисида маълумотларни тўғри юритилиши ҳолатини омборлардаги мавжуд қолдиқ махсулотлар билан ўзаро мослигини ўрганиб чиқиш. | 2024 йил 3-чорак | Комплаенс хизмати, таъминот ва бухгалтерия бошқармаси билан биргаликда |
| **16.** | Товар-моддий бойликларини тегишли тартибда сақланиш аҳволини ўрганиш; | - Корхонадаги Комплаенс хизмати ходимлари томонидан корхонадаги омборлар ва махсулот сақлаш жойларида товар-моддий бойликларнинг стандарт талаблари асосида сақланишини назорат қилиш;<br>- йил охирида корхонанинг барча бўлимлари, ишлаб чиқиш бинолари, омборлари, шу жумладан давал асосида хизмат кўрсатувчи корхоналардаги товар моддий бойликлари | 2024 йил 4-чорак | Комплаенс хизмати, таъминот ва бухгалтерия бошқармаси билан биргаликда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | қолдиғини инвентаризациядан ўтказиш. | | |
| **Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини оширилиши соҳасидаги хавфларни олдини олишда** | | | | |
| **17.** | Ишлаб чиқариш режаларини тузишда ресурслардан оқилона фойдаланиш, меъёридан ортиқча йўқотишлар ва яроқсиз (брак) маҳсулот ишлаб чиқарилиши олдини олиш имкониятлари тўла ҳисобга олинганлиги, асослилиги, рентабеллик даражаси ўрганилганлигини мониторинг қилиш; | - Ортиқча номувофиқ (брак) махсулотлар чиқишини олдини олиш ва ортиқча линия тўхталишига йўл қўймаслик мақсадида корхоналардаги ишлаб чиқариш режаларини олиб, таҳлил қилиш ва уни амалда бажаришдаги хавфларни баҳолаш;<br>- Ишлаб чиқариш жараёнида мазкур хавфларнинг келиб чиқмаслик чораларини кўриб бориш;<br>- Ишлаб чиқфаришдаги рентабеллик даражаси ўрганилганлигини мониторинг қилиб бориш. | 2024 йил 2-чорак | Комплаенс хизмати, ишлаб чиқариш бошқармаси билан биргаликда |
| **18.** | Ишлаб чиқариш линиялари ходимларининг бандлик даражасини ҳамда ускуналар (Availability)дан унумли фойдаланиш аҳволини аниқлаш ва зарур ҳолларда уларнинг иш ўринларини оптималлаштириш аҳволини, технологик жараёнларнинг цикл вақтлари тўғри ҳисобланганлигини ва унга риоя қилиниш аҳволини ўрганиш; | - Ишлаб чиқариш линиялари ходимларининг бандлик даражаси ҳамда ускуналардан унумли фойдаланиш даражасини мониторинг қилиш;<br>- Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, юкламаларни камайтириш ва тенг тақсимлаш орқали оптимизацияга эришиш бўйича тавсия бериш;<br>- Технологик жараёнларнинг цикл вақтлари тўғри ҳисобланганлиги ва унга риоя этилишини кузатиб бориш. | 2024 йил 2-чорак | Комплаенс хизмати, ишлаб чиқариш бошқармаси билан биргаликда |
| **Маҳаллийлаштириш даражаси ва лойиҳаларни ўз вақтида бажарилиши соҳасидаги хавфларни олдини олишда** | | | | |
| **19.** | Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган режалар дастури ва улар асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар графиги ижросини ўрганиб бориш; | - Лойиҳаларни амалга оширишда бажарилиши зарур бўлган вазифларни тизимлаштириш ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилган график ишлаб чиқиш;<br>- Мазкур график асосида лойихаларнинг боришини мониторинг қилиб, ижросини таҳлилини юритиб бориш. | 2024 йил 2-чорак | Комплаенс хизмати, маҳаллийлаштириш бошқармаси билан биргаликда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **20.** | Таклиф қилинаётган харид нархлари бўйича таққослаш таҳлиллари ўтказилганлигини, лойиҳаларнинг молиялаштириш манбаалари асосли шакллантирилганлигини ва маҳаллийлаштириш корхоналари тўғри танланганлигини ўрганиш; | - Амалга оширилаётган лойихалар бўйича етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган нархларнинг корхонада таҳлил этилганлиги, нархларнинг бошқа етказиб берувчилардан нарх олиш ёки бошқа манбаалардан текшириш йўли билан таққосланганлигини ўрганиш;<br>- Лойиҳаларнинг молиялаштириш манбаалари асосли шаклланганлиги ва маҳаллийлаштириш корхоналари тўғри танланганлигини ўрганиш. | 2024 йил 3-чорак | Комплаенс хизмати, маҳаллийлаштириш бошқармаси билан биргаликда |
| **Маркетинг, савдо ва сервис сиёсати соҳасидаги хавфларни олдини олишда** | | | | |
| **21.** | Жамиятда чиқиндига чиқарилаётган махсулотларни ноқонуний бошқа тадбирларга сотилишини олдини олиш мақсадида уларни тахлил қилиб бориш; | - Корхонада чиқиндига чиқарилаётган махсулотларни ўрганиб чиқиш;<br>- Чиқиндиларни сотиб олиш бўйича тузилган шартномалари, ҳисоб-варақ фактуралари ва юк хатларини таҳлил қилиш орқали уларнинг шартномага асосан кўрсатилган тадбиркорга берилганлигини ўрганиш;<br>- Ишлаб чиқаришдан чиққан чиқиндилар миқдорини тасдиқланган сарф меёрига ўзаро солиштириб, уларнинг ўзаро мослигини таҳлил қилиш;<br>- Аниқланган тафовутларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришда меёрдан ортиқча чиқинди чиқишини олдини олиш бўйича тавсия бериш;<br>- Чиқиндиларни шартнома тузмасдан, ноқонуний сотилганлиги ҳолати аниқланган тақдирда тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни мухофаза қилувчи органларга юбориш ва корхонага етказилган зарарни ундириш чораларини кўриш;<br>- Бунинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ва йўл қўйган ходимларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал этилишини таъминлаш. | 2024 йил 3-чорак | Комплаенс хизмати, маркетинг бошқармаси билан биргаликда |
| **Қўриқлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва** | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **бартараф этишга кўмаклашишда** | | | | |
| **22.** | Қўриқлаш воситалари ва тизимларини ўрнатиш учун жалб қилинаётган мутахасисларнинг тўғри танлангани, ажратилаётган маблағларнинг тўғри ҳисобланганлиги, қўриқлаш воситалари ва тизимини тегишли меъёрлар асосида жорий қилинганлигини ўрганиш; | - Қўриқлаш воситалари ва тизимларини ўрнатиш учун жалб қилинаётган мутахасислар томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;<br>- Зарур харажатлар учун ажратилаётган маблағларнинг тўғри ҳисобланганлигини бухгалтерия маълумотлари асосида ўрганиб чиқиш;<br>- Қўриқлаш воситалари ва тизимини тегишли меъёрлар асосида жорий қилинганлигини ўрганиш. | 2024 йил 1-чорак | Комплаенс хизмати, қўриқлаш хизмати билан биргаликда |
| **23.** | Корхона мулкини асраб-авайлаш, талон-торожлик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида ишчи-ходимлар ва бошқа шахслар, транспорт воситаларининг кириш-чиқиш тартибига риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш. | - Ишчи-ходимлар ва бошқа шахслар, транспорт воситаларининг кириш-чиқиш тартибига риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш. | 2024 йил 2-чорак | Комплаенс хизмати, қўриқлаш хизмати билан биргаликда |
| **24.** | Меҳнат хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш; | - Корхонада ёнғинга қарши курашишга оид ички меёрий ҳужжатлар, ўқув-профиклактик тадбирлар режалари ишлаб чиқилганлигини ўрганиш;<br>- Корхона худудида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, зарур жиҳозлар ва ускуналар мавжудлиги, уларнинг тўлиқлиги ва созлик ҳолатини ўрганиб бориш. | 2024 йил 3-чорак | Комплаенс хизмати, қўриқлаш хизмати билан биргаликда |
| **Бизнес жараёнларни рақамлаштириш соҳасидаги хавфларни олдини олишда** | | | | |
| **25.** | Мавжуд дастурий таъминотлар ва электрон маълумотлар базаси асосида масофавий назоратни амалга ошириш; | - Таъминотлар ва электрон маълумотлар базасини кўриб чиқиш ҳамда ушбу маълумотларни таҳил қилиш;<br>- Таҳлил натижаларидан келиб чикиб, масофавий назоратни амалга ошириш. | 2024 йил 1-чорак | Комплаенс хизмати, ахборот технологиялари бошқармаси билан биргаликда |
| **26.** | Жамият ва унинг корхоналарида кибер ҳавфсизлик (шу жумладан ахборот хавфсизлиги) чоралари кўрилганлигини ўрганиб бориш; | - Жамиятда ахборот хавфсизлиги чоралари кўрилганлигини ўрганиб бориш;<br>- Мазкур жараёнда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаб, уларни олдини | 2024 йил 3-чорак | Комплаенс хизмати, ахборот технологиялари бошқармаси билан |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | олиш чораларини кўриш. | | биргаликда |